

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИККАСОЛИҚ ЮКИНИНГ ТАЪСИРИ

Султанова Соня Махмудовна

*Тошкент Давлат Транспорт Университети Бухгалтерия ҳисобикафедраси проф.в.б.,
Иқтисодиёт фанлари номзоди доцент*

Исматуллаева Насиба Нусратилла кизи

Тошкент Давлат Транспорт Университе тимагистранти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Солиқ юки, солиқ тўловлар,
таҳлил, корхонанинг молиявий
барқарорлиги, микродаража,
корреляция коэффициенти,
молиявий мустақиллик.

Аннотация

Мақолада солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаш методикаси ёритилган. Иқтисодчи олимларнинг солиқ юки кўрсаткичларини микродаражада ҳисоблаш методикалари ўрганилиб, шу асосда корхоналарнинг солиқ юки таҳлил қилинган ҳамда хулоса ва таклифлар берилган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор фаолиятининг долзарб йўналишларидан бири-тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқишдир. Ушбу механизм давлатнинг солиқ сиёсатидаги сўнгги йилларда рўй бераётган таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиши зарур. Солиқларнинг иқтисодий жараёнларга таъсирини тавсифловчи мавжуд таърифларни танқидий баҳолаш; солиқ юкининг иқтисодиётга ва тадбиркорлик субъектларига таъсирини ўлчайдиган кўрсаткичларни тизимлаштириш; макро ва микро даражадаги солиқ декларацияларини аниқлашни шу асосда асослаш ва уларни аниқлашга услубий ёндашувлар келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш

Давлат иқтисодиётини барқарор ўсишини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири – солиқ юки ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида компаниянинг фойдасига таъсири омилларидан бири - солиқ юкини оптималлаштириш хал қилинмаган муаммолардан бири бўлиб, у солиқ оғирлигига ўзгаришига боғлиқлигини таҳлил қилишга асосланган [1, с. 126].

Аниқ компаниянинг солиқ юки сотилган маҳсулот (иш, хизматлар)дан олинган умумий даромадларида солиқларнинг улуши асосида аниқланади. Солиқ юкини баҳолашда уларнинг ҳар хиллиги ва иқтисодиётга таъсир даражасига боғлилиги асосий қийинчиликларни ифодалайди [2, с. 33]. Биринчидан, таннарх ҳисобидан тўланадиган солиқларга солиқ юкининг оғирлиги билан ўлчанади. Иккинчидан, компания фаолиятининг молиявий натижалари

ҳисобидан тўланадиган солиқларни асосий фаолият бўйича сотишдан олинган фойда билан таққослаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан солиқларни оптималлаштириш масаласи долзарб ҳисобланади ва ушбу мақолада солиқ юки корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсири ўрганиб чиқилди. Солиққа тортиш тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди, уларнинг аксарияти "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖ) фаолиятига таъсир кўрсатди. Ҳозирда иқтисодиётни глобаллашув шароитида энг долзарб масалалардан бири - аниқ компания солиқни оптималлаштириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корхона даражасида солиқларни оптималлаштириш ва солиқ юкини ҳисоблашда иқтисодчилар томонидан қарашлар турлича бўлиб, турли кўрсаткичларга нисбатан аниқлаш услублари мавжуд. Хорижий олимларининг солиқларни оптималлаштириш ва солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаш бўйича қарашларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал Солиқларни оптималлаштириш олимларнинг қарашлари

Услубият	Иқтисодчилар	Мазмуни
1 гуруҳ.	Петти У., Смитт А., Рикардо Д., В.Миляков, В.Г.Пансков, И.А.Маибуров, В.Р.Юрченко, И.В.Горский, М.Н.Крейнина, И.И.Бабленкова, О.Ф.Пасько, А.В.Брызгалин, Б.Теслюк, Ю.А.Лукаш, Ш. Тўраев, А. Вахобов ва б.	Корхонанинг солиқ юкини бюджетга солиқ ва йиғим шаклида олинадиган ёки солиқ тўловларининг умумий суммаси сифатида олинадиган даромаднинг улуши сифатида кўриб чиқади.
2 гуруҳ.	Б.М.Сабанти, Е.В.Чипуренко, О.Ю.Кудриналар киради. Е.В.Чипуренко	Солиқ юкини хўжалик юритувчи субъектга солиқ солиш самарасининг мураккаб тавсифи сифатида белгилайди. Солиқ юкини бир эмас, балки бир нечта кўрсаткичларга нисбатан аниқлаш кераклигини билдиришади.
3 гуруҳ.	Монтескьё Ш.Ю., Сей Ж.Б., Мизес Л. Фон, А.Н.Цыгичко	Солиқ юки остида корхоналарни кенгайтириш ва модернизация қилиш учун ресурсларни чеклайдиган умумий молиявий юкнинг бир қисми тушунилади.
4 гуруҳ	Пигу А., Бенефельд А., О.С.Салкова	Корхонада солиқ маъмуриятчилиги, таҳлил қилиш ёки солиқ режалаштириш воситаси сифатида кўриб чиқадиган муаллифларни ўз ичига олади

Республикада солиқни оптималлаштириш ва солиқ юкини ҳисоблашда Ш.Тўраевнинг эътирофи этишича: "Хўжалик субъектларида солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий ҳолати мамлакатимизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ

кўмитаси томонидан тақдим этилган услубиёт асосида ҳисобланади. Унга кура солиқлар ва тўловларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни олиб боришда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистика ва таққослаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида солиқ юки компания фаолиятини тартибга солиш объекти бўлиб, солиқ хавфи кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда корхоналарни солиқ назорати жараёнида қўлланилади [3, 5-бет].

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишлари:

- корпоратив даромад солиғи ставкасини жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкасига аста-секин яқинлаштириш мақсадида юридик шахсларнинг даромадлари (фойдаси) ва жисмоний шахслардан олинadиган даромадларни даромад солиғи тўғридан-тўғри солиққа тортиш шартларини тенглаштириш;
- даромадларни икки ёқлама солиққа тортишни бартараф етиш;
- мулкчиликнинг турли шакллари, ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва иқтисодий фаолият турлари субъектлари учун тенг бизнес шароитларини яратиш;
- солиққа тортиш тизимининг маъмурий соддалиги, самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш;
- давлат ва солиқ тўловчилар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида кўрсатилган йўналишларга жавоб берадиган солиқ тизимининг моделини яратиш бюджет даромадларини йўқотмасдан солиқ юкини камайтириш билан солиқ ислоҳоти шароитида бюджет мувозанатини таъминлайди.

Шу муносабат билан корхоналар солиқ юкининг уларнинг молиявий барқарорлигига таъсирини ўрганиб чиқилди. Солиққа тортиш тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди, уларнинг аксарияти корхона фаолиятига энг катта таъсир кўрсатди, холос.

Солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларнинг корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсирини ҳозирда темир йўл транспорт соҳасида етакчи ўринни эгаллаб турган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мисолида ўрганиб чиқилди.

Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 28.07.2015 йилдаги 207-сонига асосан жорий этилган. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг молиявий барқарорлигини тавсифловчи самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари динамикаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Йиллар			Мутлоқ ўзгариш (+/-)		
	2018	2019	2020	2019-2018	2020-2019	2020-2018
1. Фоизлар, солиқлар ва амортизация ҳисобланган қадар фойда (ЕБИТДА) — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)*	1100,0	1000,0	800,0	-100	-200	-300
2. Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR — Cost	0,82	0,90	0,80	0,08	-0,1	-0,02

Income Ratio)*						
3. Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE — Return on Capital Employed (ROCE = Earnings Before Interest and Tax (EBIT) / Capital Employed (Total Assets – Current Liabilities)))*	0,03	0,032	0,032	0,002	0	0,002
4. Акциядорлик капитал рентабеллиги капитала (ROE — Return On Equity(Net Income/Shareholder's Equity))*	0,9	0,06	0,06	-0,84	0	-0,84
5. Молиявий мустақиллик коэффициенти (Кфст)	12,0	11,0	12,0	-1	1	0

Манбаа: “Ўзбекистон темир йўллари” молиявий ҳисоботи. <https://www.railway.uz/>

1-жадвалга кўра, ўрганиш даврида, кўрсаткичларнинг компания ЕБИТДА кўрсаткичи пассайиш тенденцияга эга. Шу билан бирга, СІR кўрсаткичи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан камайганлиги ижобий ҳисобланади. Энг самарадорлик кўрсаткич – молиявий мустақиллик кўрсаткичи бир хил миқдорга эга.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ташкилотнинг солиқ декларациясини баҳолашдир. Ишларда ўрганилган солиқ юкини баҳолаш усуллари ўрганиш, бизнинг фикримизча, корхонанинг солиқ юкини энг мазмунли акс еттирадиган коэффициентларни танлашга имкон берди.

$S_{yuki} = \text{Soliqlar va to'lovlar} / \text{Sotish hajmi} \cdot 100\%$.

Бу ерда:

S_{yuki} - компаниянинг солиқ юки.

Бу усулда солиқ юкини ҳисоблаш компанияда солиқ юкини анча фоизли пунктга камайтириб кўрсатилади ва натижада компаниянинг фаолияти нотўғри баҳоланади. Яъни давлатнинг ушбу соҳа билан шуғулланувчи ташкилотларининг маълумотларига таяниб давлат бюджет дастурини тузади ва унга асосланиб иш куради. Натижада солиқ юки янада оғирлашиши мумкин [8].

М.И. Алимардонов мутлоқ ва нисбий солиқ юкини фарқлашни таклиф этади. Унинг фикрича, мутлоқ солиқ юки – корхоналардаги солиқ ва ижтимоий суғурта бадаллари юкини ифодалаб, улар бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилади, компания солиқ мажбуриятларининг мутлоқ миқдоридир.

Нисбий солиқ юки мутлоқ миқдорнинг янгидан яратилган қийматига нисбати деб ифодаланади ва қуйидаги формулани таклиф этади:

$$S_{nisbiy} = (ST + IS) / QQ \cdot 100\%$$

Бу ерда:

S_{nisbiy} - компаниянинг нисбий солиқ юки;

ST - солиқ тўловлари;

IS - ижтимоий солиқ;

QQ – қўшилган қиймат (янгидан яратилган қиймат) [7].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодчилари С. Ширинов ва Р.Кодировлар микродаражада солиқ юкини ҳисоблашда ўз услубятини таклиф қилишган:

$$S_{yuki} = \frac{(\text{Soliqlar va to'lovlar})}{(\text{IH} + \text{SF} + \text{Soliqlar} + \text{To'lovlar})} \cdot 100\%$$

Бунда, S_{yuki} - солиқ юкининг миқдори;

SF -соф фойда;

ИН - иш ҳақи харажатлари.

Юқорида келтирилган формула асосида солиқ юкини ҳисоблашнинг ютуқ томони шундаки, солиқ юкини ҳисоблаш жараёни содда. Бу эса, солиқ тўловларини доимий таҳлил қилиб бориши, солиқ тўловларини бошқариш, бошқа фаолият турларида мавжуд бўлган солиқ юклари даражаси билан таққослаш жараёнларини енгиллаштиради. Энг муҳими корхона томонидан тўланувчи барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни оғирлик даражасини тўлиқ қамраб олади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасдиқланган ҳисоб сиёсатига биноан қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловларни амалган оширади:

- Фойда солиғи;
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ижтимоий солиқ

2-жадвал орқали “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да тўланадиган солиқ турларини куриб чиқамиз:

2-жадвал “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тўланадиган солиқлар, минг сўм

Солиқ турлари	2017-йил	2018- йил	2019- йил	2020- йил
1.Фойда солиғи	30745177	62533041	0	17 265 405
2.Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	97626045	141928626	196 942 771	230 624 346
3.Қўшилган қиймат солиғи	330993219	421377023	131 743 925	0
4.Акциз солиғи	0	0	0	9 680 774
5.Мол-мулк солиғи	58136419	41877620	25 705 985	62 835 174
6.Ер солиғи	13196988	16018561	19 347 910	49 630 941
7.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	363781	465458	583 921	757 373
8.Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	22835	30895	140 414	318 735
9.Ижтимоий солиқ	218506292	395171185	421550334	229 877 312

Юқоридаги 2-жадвал маълумотлар орқали биз “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан тўланадиган солиқларни кўриб чиқамиз. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти 9 ойлик фойда солиғи ҳисоботида салбий курс фарқи ижобий курс фарқидан кескин ошганлиги ҳамда ушбу салбий фарқ молиявий натижаларга тўғридан-тўғри олиб борилганлиги сабабли, юридик

шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобида 9 ой якунлари бўйича солиқ солинадиган фойда камайган.2020-йилдан Солиқ кодексига мувофиқ Ижтимоий солиқ жорий қилинган.

Унгача бу солиқ ягона ижтимоий тўлов сифатида юритилган. 2019 йил 1 январдан бошлаб бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни Ўзбекистон Республикасининг 24.12.2018 й. ЗРУ-508-сонли Қонуни билан бензин, дизел ёқилғиси ва газни охириги фойдаланувчиларга сотишда акциз солиғи жорий этилиши билан бекор қилинди, шунинг учун 2020 йилдан бошлаб “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциз солиғи тўловчиси бўлди.

Республикада ҳам корхона даражасида солиқ юкини ҳисоблашда ҳар хил кўрсаткичлар қўлланилади.

Бизнинг фикримизча, солиқ юкини ҳисоблашда маҳсулотни сотишдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки даражасини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъект соф тушумининг қанча фоизи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сифатида харажатларга олиб боришни тавсифлайди. Корхоналарда “солиқ юки” кўрсаткичини қуйидаги икки кўрсаткич билан ифодалаш мақсадга мувофиқ: соф солиқ юки ва ялпи солиқ юки.

Соф солиқ юки – бу солиқ харажатларини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир.

Ялпи солиқ юки – бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар суммасини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир.

1. Соф солиқ юки қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$SS_{yuki} = (SH / ST) * 100\%$$

Бу ерда:

SS_{yuki} - соф солиқ юки;

SH - солиқ харажатлари (бухгалтерия ҳисобида ҳисобланган солиқ суммаси);

ST- маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум.

3-жадвалда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ соф солиқ юки кўрсаткичи тахлили келтирилган.

3-жадвал “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ соф солиқ юки тахлили

Кўрсаткичлар	2017-йил	2018- йил	2019- йил	2020- йил
Жами солиқ тўловлари, млн сўм	749590,8	1079402,4	796 015,3	600 990,1
Маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум, млн сўм	5180801,3	7248095,2	8131417,1	9 277 298,7
Солиқ юки, %	14,46	14,89	9,78	6,48

3-жадвалда ҳисобланган солиқ юки кўрсаткичининг тахлили «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда солиқ юкини 2017-йилга қараганда 2020-йилга нисбатан камайган. Бу кўрсаткич 2017-йилда 14,46 % бўлган бўлса 2020-йилга келиб 6,48% га тушган. Солиқ тўловларини камайиши солиқ юкларини камайишига олиб келган. Бунга сабаб 2019-йилда фойда солиғи тўламаган ва солиқ ставкаларини камайиши.

Солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида ялпи солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаймиз. Ялпи солиқ юки қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$YS_{yuki} = (SH + MT) * 100 / ST$$

Бу ерда:

YS_{yuki} - ялпи солиқ юки;

SH - солиқ харажатлари (ҳисобланган солиқ суммаси);

MT - мажбурий тўловлар суммаси;

СТ- маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида ялпи солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаб чиқамиз (4-жадвал).

4-жадвал “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ялпи солиқ юки таҳлили

Кўрсаткичлар	2017-йил	2018- йил	2019- йил	2020- йил
Жами солиқ тўловлари, минг сўм	749590,8	1079402,4	796 015,3	600 990,1
Маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум, минг сўм	5180801,3	7248095,2	8131417,1	9277 298,7
Солиқ юки	14,46	14,89	9,78	6,48
Ялпи солиқ юки	19,7	18,3	10,12	6,87

4-жадвалда ҳисобланган кўрсаткичлар ва таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2017-йилда соф солиқ юки 14,46%, 2018-йилда 9,44% ни , 2019-йилда 9,78% ни ва 2020-йилда 6,48% ни ташкил қилган. Ялпи соли юки эса 2017-йилда 19,7%, 2018-йилда 18,3 %, 2019-йилда 10,12% 2020-йилда эса 6,87 % ни ташкил қилган. Ушбу ҳисоблаш усуллари орқали биз солиқ юки соф тушумимизга нисбатан қандай улушдалигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ тўловларини оптималлаштириш бўйича компаниянинг самарали солиқ сиёсатини юритилиши учун:

- бюджетга солиқ тўловларини минималлаштириш орқали корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини оптималлаштириш;
- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- солиқ тўловлари оқимини оптималлаштириш мақсадида компаниянинг солиқ мажбуриятлари (солиқ календар) прогнозларини тузиш (бу ҳолда, қоида учун белгиланган муддатнинг охири кунида солиқ тўловларини тўлаш лозим) деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга асосан, таклиф қилинган методика хўжалик юритувчи субъект даражасида солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашни осонлаштиради ва унинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини объектив баҳолаш имконини беради деган хулоса қилишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вылкова Е., Романовский М. Налоговое планирование: учебное пособие. - СПб.: Питер, 2004. - 634 с
2. Sultanova S.M. Improvement of Financial Flow Management of a Railway Transport Enterprise. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 12, Issue 6, July , 7117-7121, 2021, <https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/2993/1994>
3. М.С. Шальнева. Налоговая нагрузка: способы определения и возможности оптимизации.// Международный бухгалтерский учёт. №44 (194) -2017. С. 52- 59.
4. Чипуренко Е.В. Налоговая нагрузка предприятия: анализ, расчет, управление. - М.: Налоговый вестник, 2019. с.6.
5. Султанова, С. М., Нурматова, И., Орзигул, Х. (2021). Совершенствование финансового анализа в информационной системе бухгалтерского учета АО “Ўзбекистон Темир Йўллари”. “Ўзбекистон транспорт тизимида рақамли ва инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг долзарб масалалари”, 2(1), 137-142.

6. Султанова, С. М., Нурматова, И. (2021). Темир йўл транспорти саноат корхонасининг солиқ юки таҳлили. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 5(5), 23-28.
7. Sultanova, S., Kolesnikova, TD, Smolennikova, L., Strelnikova, N. (2021). Generation of an instrument base for analysis of economic processes for the purpose of building a model of spatial development of regions in the context of global challenges. Attended in international conference on economics, management and techlogies 2021 (ICEMT 2021), 1(1), 134-145.
8. Султанова, С. М., Исмаилова, Н., Нурматова, И. (2020). Модульная система обучения как фактор повышения профессиональной компетентности будущего специалиста. «Ўзбекистонда узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг долзарб масаларига оид илмий-тадқиқотлар» мавзусидаги Республика илмий-назарий онлайн-конференция, 3(3), 278-289.
9. Султанова, С. М., Джуманова, А. Б. (2020). Преимущества учета затрат и финансовых результатов внутрипроизводственных сегментов предприятия. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 68(11), 76-77.
10. Султанова, С. М., Джуманова, А. Б. (2020). Практические вопросы информационного обеспечения учётного процесса в АО «Ўзбекистон темир йўллари». ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 68(11), 90-93.
11. Султанова, С. И. Н. (2020). Роль МСФО в системе корпоративного управления предприятием. Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации, 1(58), 57-60.
12. Sultanova, S. (2020). PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE RAILWAY INDUSTRY OF UZBEKISTAN. Journal of Critical Reviews, 7(5), 327-329.
13. Султанова, М. С. (2019). Факторный анализ деятельности АО "Ўзбекистон темир йўллари". Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учёта, статистики и налогообложения организаций, Россия, 1(1), 104-106.
14. Sultanova, S., Ismailova, N. (2019). Assessment of the innovative potential of the enterprise. Moliya, 1(2), 103-108.
15. Султанова, С. М., Кадыров, М. К., Уринбаева, Ю. (2021). Information service of management processes in usbekistan real way JSC. Форум молодых учёных, Россия, 45(5), 157-161.
16. Султанова, С. М., Нурматова, И. (2021). Интегрированная информационная система бухгалтерского учёта в АО Ўзбекистон темир йўллари. Ёш илмий тадқиқотчи бакалавриат ва магистратура талабаларининг I илмий-амалий анжумани ТГТУ, 1(1), 110-114.